



Алавийлар бойиб кетишди, ҳукуматда кўпчиликни ташкил қиладиган бўлди, муҳим мансабларни эгаллаб олишди ва таълим муассасаларида ҳам жуда кўп ўринларга эгадир. Бундай фожеали ўзгаришлар қандай юз берди? Алавийларнинг анъанавий душманлари бўлган суннийлар ва Асадни ёқтирмайдиганлар бу борада жуда мураккаб конспирация назариясини ишлаб чиқишди. Шунга кўра, уларнинг мақсадга етишлари (ҳокимиятни қўлга олиши) қаида юз йил вақтни қамраб олган экан. Маъкур назарияга кўра, Муршид қатл қилинганидан сўнг, улар “қасос олишга” ташна бўлишган. Уларнинг асосий стратегияси армия ва БААС партиясида яширин гуруҳларни ташкил қилиш бўлган.

Конспирация назариясининг муаллифларига кўра, алавийлар 1959 йили БААС партиясининг ҳарбий қўмитаси ташкил қилиниши билан Сурия ҳукуматини қўлга олишга жуда яқин бўлиб қолишган. Қўмитанинг ташкил қилиниши ўта махфий бўлиб, партия аъзолари аксарининг у ҳақида хабари бўлмаган. Айнан шунинг ўзиёқ қўмита умумийсиёсий

максадлар учун эмас, балки секта манфаатларини максад қилганини кўрсатади. Кардахда БААС партиясининг юкори мартабали харбийлари билан алавий пешволари ўртасида бўлиб ўтган махфий учрашувлар ҳам бу назарияни тасдиқлайди. Анжуманнинг асосий максади БААС партиясининг бошқарув мансабларига алавийларни кўтариш муҳокамаси бўлган. Бунинг ортидан, 1963 йили Химсда яна бир яширин учрашув бўлиб ўтган.

Жон Девлин каби холис тарихчилар Суриядаги ҳукуматни алавийлар эгаллаши тасодифий бўлганлигини таъкидлайди. У ёзади: “Суриядаги хар қандай ички конфликтни фақат сунний ва алавийлар рақобати билан баҳолайвериш унчалик тўғри эмас. БААС дунёвий партия бўлиб, унинг аъзолари ичида жуда кўп миллий озчилик вакиллари бўлишган”. Бошқа тарихчилар эса жуда кўп бошқа омилларнинг - жугрофий, сиёсий, этник, маданий ва маърифий тарафларнинг ҳам муҳимлигини айтишади ва Сурияда 50-70 йилларда бўлиб ўтган миллатлар аро зиддиятни “редукционизм” дейишади.

Юз йиллардан ошқик вақт давом этган қучли рақобат алавийларнинг руҳиятига қатта таъсир ўтказган. Алавийлар сунний ҳукмдорларга ва хар қандай хорижий қучларга ҳамиша қарши бўлиб қелишган. Улар бошқариб бўлмайдиган ва шиддатли халқ деган номни олишган.

Алавийлар ўз тоғларида яшириниб, яққамохов ҳаёт қечира бошлашди. Ташқарида нима бўлаётгани уларни қизиктирмасди ва ташқи таъсирдан алавийлар назорат қилаётган ҳудудлар омонда қолди.

Турқлар қатта қийинчиликлар билан 19 аср иккинчи ярмида алавийлар ҳудудлари устидан ўз назоратларини ўрнатишган. Турқлар ҳукмронлиги даврида алавийлар истиқомат қиладиган ҳудудларга суннийлар қелиб яшай бошлашди. Бирок, уларнинг кўпайиб қоришини қўрган алавийлар уларга тунлари ҳужум қилишар эди. Одатда, алавийлар суннийлардан бўлган ер эгалари қўл остиларида ишлашар эди. Маош сифатида ҳосилнинг бешдан бирини олар эди. Усмоний салтанатининг солиқчилари қашшоқ ва қамбағал бўлган алавийларни аяб ўтирмасди. Алавийлар яшайдиган Латакияда суннийлар яшайдиган ҳудудлардан қўра солиқларни 2-3 қаробар ошириб қўйишар эди.

Биринчи жаҳон уруш ва ундан қейинги даврларда алавийлар ўз ерларини оммавий равишда тарқ қила бошлашди. Эрақлар армияга қетишар, қизлар эса, баъзан 7-9 ёшидан қой-бадавлат бўлган суннийлар оиласида энақачилиқ қилар эди. Қўп қолларда бундай қизлар ўз ҳўжайинларидан қомилдор ҳам бўлиб қолишар эди. Баъзи оилалар ўз қизларини қулликка сотишга мажбур бўлишган. Насроний руҳонийси Самуэл Ляйд 1860 йилларда Сурия бўйлаб сайёҳат қилиб, ёзган эди: “Алавийларнинг ҳозирги қолатини ер юзидаги жаҳаннамга ўхшатиш мумкин”.

20 асрда юқорида қикр қилинган тенденциялар фақат янада қучайган. Қой-бадавлат сунний зодақонлар шаҳардаги ҳаёт билан роҳатланар, алавий дехқонлар эса экин майдонларида оғир меҳнат билан банд эдилар. 30-йилларда Жак Вейлерсс ёзган эди: “Хар иққала жамоа ўз қонунлари билан алоҳида-алоҳида яшаши. Улар нафақат бир-биридан фарқ қилади, балки улар бир-бирларига душман ҳамдир. Аралаш ниқоҳлар мумкин эмас. Шаҳар ва қишлоқ ақолиси ўртасидаги зиддиятлар (антагонизм) шу даражада қуқурқи, тубдан фарқ қилувчи ягона сиёсий тизимда яшовқи иққи қил ақоли ҳақида гақирсақ ҳам бўлаверади”. Бир неча ўн йилдан қейин Ниқолас ван Дам таъқидлаб ўтишича, “Шаҳар ва қишлоқ ақолиси ўртасида фарқ шу даражадақи, ҳатто

шаҳарда яшовчилар кишлоқ аҳолисининг конини ютиш учун келганларга ўхшайди”. Бир неча юз йил давом этган қарамлик, суннийларга бўлган нафрат сунъий равишда ташкил қилинган ва бугунги кунда Сурия Араб республикаси номи билан танилган мамлакат тарихи учун узок таъсир қилувчи оқибатларга олиб келди. 1920 йили французлар Дамашкни босиб олишларидан олдин алавийлар французларга ўз мойиилликларини кўрсатиб келишган. Юсуф ал-Ҳаким ёзишича: “Алавийлар худди жаҳаннамдан озод бўлгандек ўзларини тутишмоқда. Улар босқинчи французларнинг мандатини қўллаб-қувватлашмоқда ва ҳатто Бутун Сурия конгрессига ўз вакилларини юборгани ҳам йўқ”.

Алавийлар Сурияни бошқариш учун юборилган Макка амирининг ўғли шахзода Файсалдан нафратланар эди. 1919 йили французлар қўллаб-қувватлаши ва улар тақдим қилган қурооллар билан Файсалга қарши кўзғолон кўтаришди. Замондошларининг бири ёзишича: “Алавийлар Исломни ёмон кўришади ва Усманийлар салтанатининг қулашини хоҳлайдилар”. Француз генерали Гуро 1919 йил охирида ҳукуматга ёзган ўзининг мактубида: “алавийлардан бўлган турли қабилаларининг 73 та пешвоси мутлак Франция протекторатида бўлган Нусайрийлар иттифоқи ташкил қилинишини сўрайди”, деб ёзган эди.

Бирок икки йил ўтар ўтмас, алавийлар Солих Алий бошчилигида французларга қарши исён кўтариб чиқишди. Асад сулоласи мазкур воқеалардан ўз фойдасига фойдаланмоқчи бўлишади. Аслида эса французларга қарши кўтарилган исёнга сабаб исмоилийлар билан французларнинг иттифок тузиши сабаб бўлган эди. Алавийлар ва исмоилийлар ўртасидаги ёмон муносабатлар французлар билан уруш чиқишига олиб келди. Французлар алавийларга мухторият бериши биланок, алавийларнинг қўллаб-қувватлашларига эга бўлишди.

Французлар ҳукмронлигидан алавийлардек ҳеч ким фойда кўрган эмас. 1922 йили 1 июл куни Латакия мухтор вилояти ташкил қилинди. Алавийлар ниҳоят суннийлар назоратидан қутилишди. Алавийлар сунний қозилари назоратидан чиқишди. Жамоа вакилларига тегишли барча ишлар алавий маҳкамаларига бўйсундирилди. Алавийлар маорифига кам солиқ солинди ва французларнинг катта микдордаги моддий ёрдамларини ҳам олишди.

Бунга жавобан алавийлар французларга ўз ёрдамларини аямадилар. Бошқа жамоаларнинг бойкот қилишига қарамай, улар 1926 йили ўтказилган сайловларда фаол иштирок этишди. Французлар тарафидан ташкил қилинган *Troupes Speciales du Levant* ҳарбий қисмларининг ақсарини алавийлар ташкил қилган. *Troupes Speciales du Levant* қисмлари 1945 йилнинг иккинчи ярмигача ўз француз раҳбарларига содиқ қолишди. Полициячи алавийлар суннийларнинг қароқчилик қилишларини тарқатишда, суннийларнинг босқинчиларга қарши бош кўтаришларини шиддат билан бостириб келишди. 1922-1927 йилларда Сурияда Франциянинг бош комиссари бўлган Анри де Юванел: “Бир алавий сиёсатчиси менга айтишича, уч-тўрт йил ичида биз уч юз тўрт юз йил ичида эришмаган ютуқларга эришдик. Биз фақат ҳозирги ҳолат давом этишини хоҳлаймиз”, деганини хотирлаган эди.

Айниқса, 1936 йил алавийларнинг мухтор вилоятини Сурияга қўшишганида французлар кайфиятлар аниқ қайтадан бўлган эди. Алавийлар суннийлар билан бирлашишни “қулликка қайтишдан бошқа нарсаси эмас” деб билишар эди. Франция вазири Леон Блюмга бир алавийлардан бўлган сиёсатчи: “Алавий ва суннийларни ажратувчи жар жуда чуқур эканини эслатиб қўймоқчиман. Бирлашиш тасаввур этиб бўлмайдиган

халокатга олиб келади”, деб ёзган эди.

Кейинчалик олтига кўзга кўринган аслзода алавийлар (улар ичида Хофиз Асаднинг бобоси ҳам бўлган) Блюмга яна бир мактуб битишган эди. Унда айтилишича, “Алавийлар суннийлардан тарихи бўйича ҳамда дини билан фарк қилади. Алавийлар Сурия билан бирлашишни инкор қилади, чунки бу суннийлар давлати. Улар эса бизларни кофир сифатида кўришади. Франция мандати тугаши алавийлар учун ўлим билан тенг хавфни келтириб чиқарди. Диний феодализм руҳидаги Сурияни ўзини-ўзи бошқара олмайдиган мамлакатга айлантиради. Франциягина Сурияда қолиб, алавийларнинг эркинлиги ва хавфсизлигини таъминлай олади”.

1936 йили 450 минг алавий, друз ва насронийлар имзо чеккан петицияда: “Алавийлар – сўйишга тайёр бўлган мол эмас”, дейилиши янада хавотирни кучайтиради. “Дунёда ҳеч қандай куч уларни анъанавий (сунний) душманларига бўйин эгишга, абадий кул бўлишга мажбур қила олмайди. Алавийлар севимли Франция билан дўстлик алоқалари узилганидан чуқур афсусдандир”.

Латакия 1936 йили олган мухторияти бекор қилинганига қарамасдан вилоят “махсус сиёсий ва молиявий режимда”, деб эълон қилинди.

1939 йили алавийларнинг суннийларга қаршилиги янада ортди. Юқорида зикр қилинган ал-Муршид суннийларга қарши кўтарилган кўзғолонга бош бўлди. Бу исёнда 5 мингдан ошиқ одам иштирок этди. Муршид бир неча йил давомида Латакияни Дамашқдан мустақил ушлаб турган.

1946 йили французлар мандати тугаганида ҳукумат шаҳарлик сунний аслзодалар кўлларига ўтган эди. Хатто мустақиллик эълон қилинганидан сўнг ҳам алавийлар Дамашқ ҳукуматига қарши бўлишди ва 1947 йили Муршид иккинчи бор кўзғолон кўтарди. Исён бостирилади, Муршид эса қатл қилинади. Муршид ўгли бошчилигидаги алавийларнинг учинчи кўзғолони 1952 йили бўлиб ўтади. Ушбу кўзғолондаги муваффақиятсизлик туфайли алавий пешволари Либан ёки Трансиорданияга қўшилиши ҳақида ўйлаб бошлашди. Алавийлар Сурияда қолмаслик учун барча нарсаларга тайёр эдилар. Бу эса суннийлар назарида алавийлар ҳақида тасаввурни янада ёмонлаштирди. Дамашқнинг сунний ҳукумдорлари ўз тарафидан Латакиянинг ажралиб кетмаслиги учун саъй-ҳаракатларини аяшмас эди. Уларни тушуниш мумкин – мамлакатнинг денгизга чиқадиган ягона йўли мазкур минтақа ҳисобланади. “Алавийлар давлати”, алавий ҳарбий қисмлари, алавий қозилари ва парламентда алавийлар учун жойлар бекор қилинди. 1954 йилдаги Друзлар кўзғолони бостирилгач, алавийларда бошқа умид қолмади ва улар “Озод Сурия” фуқароларига айланишди. Буни англагач, улар ҳукумат юқорисига қараб ҳаракат қила бошлади. Армия ва БААС партияси бу учун жуда қулай вазифани адо қилди.

Хатто французлар кетиши билан ҳам армияда алавийлар ва бошқа миллий озчилик вакиллари кўп бўлиб қолиши давом этаверган. Эски аскарлар хизматда қолар, янгилари эса хизматга келар эди. Суннийларнинг алавийларга бўлган нафратини эътиборга олсак ҳолатнинг бундай давом этиши жуда ажабланирлиқдир. Бундай давом этишга бир неча омил сабаб бўлган. Биринчидан, Сурия армияси миллий озчиликлар “тўдаси” тамғаси урилган. Кузатувчиларнинг бири бўлган Патрик Сил: “Суннийлардан бўлган латифундчилар миллий кайфиятни шакллантирувчи асосий куч бўлсада, улар армиядан нафратланар эди. Икки жаҳон уриши орасида армияда хизмат қилиш француз ҳарбисига айланиш билан тенг эди. Химсдаги ҳарбий академия исёнчи, қанчалар саводсиз шахслар ёки ижтимоий ҳолати жуда паст одамлар учун жой ҳисобланар эди”. Аслида эса, миллий

озчилик учун академия мансаб учун баландрок кўтарилишга ёрдам берадиган восита эди (трамплин).

Иккинчидан, суннийлардан бўлган ҳукмдорлар мамлакатда армия ўрни муҳимлигини унутиб қўйишди. Кам молияланган ҳарбий хизмат унчалик жозибали бўлиб кўринмаган. Учинчидан, алавийлар яшайдиган ҳудудлардаги иктисодий аҳволнинг ёмонлигидан ҳарбий хизматдан озод килувчи солиқларни тўлай олмаслиги ҳам ўз ролини ўйнаган. Алавийларнинг авлодлари ҳарбий хизматни ҳаёт учун нормал пул топишнинг ягона йўлларида бири деб билишига олиб келган.

Шунга мувофиқ армияда алавийлар таъсири жуда юкори бўлган. 1949 йилги баёнотда айтилишича, Сурия армиясида қандайдир аҳамиятга эга қисм бўлса, у ҳам миллий озчилик вакилларининг бошқарувидadır. Бу ерда гап факат алавийлар ҳақида эмас. Масалан, 1949 йилларда президент Хуссейн Заиманинг шахсий кўрикчилари факат черкаслардан иборат бўлган. Сержантлар такрибининг учдан икки қисми ва Сурия армиясининг ярмидан кўпи эса алавийлардан иборат эди.

Суннийларнинг пешволари ўзларича, юкори ловозимларнинг назорат килиниши, бутун армияни назорат килиш билан баробар, деб ҳисоблашган. Ҳолат шу даражада эдики, озчилик вакиллари мансабда кўтарилиши ва батальон кўмондони бўлиши жуда мушкул эди. Такдир тақозосига кўра, бу улар учун ижобий рол ўйнаган. 1949-1963 йилги сунний зобитлар жуда кўп давлат тўнтаришлари ва бир-бирларини қовлаш билан машғул эдилар. Ҳар қайси янги тўнтариш янги тозалашлар, рақобатчиларни йўқ қилиш ёки уларни истеъфога чиқишини келтириб чиқарар эди.

Соткинликдан кўркиш Сурия армиясида ҳақиқий эпидемияга айланиб кетди. Бундай ҳолатда миллий озчилик вакиллари этник алоқаларининг муштаҳамлиги туфайли бошқаларга қараганда анча дуруст эди. Битталаб армияга хизматга келган суннийлардан фарқли ўларок алавийлар армияга секта аъзоси сифатида келар эди. Бу ерда эса уларни қабиладоши ёки бошқа таниш-билишлари қутиб олар ва уларни қеракли вақтда қўллаб-қувватлар эди.

Армияга қўшимча сифатида, алавийлар БААС партиясида ҳам қатта салмоққа эга бўлиб бордилар. Партия ташкил қилинган илк кунларидан бошлаб миллий озчилик вакиллари бу партияда ниҳоят даражада кўп эди. Айниқса, Латакиядаги партия бўлинмасидаги аъзоларнинг аксари алавийлардан иборат эди.

Дамашқдаги бўлинманинг аксар аъзолари ҳам пойтахтга келган қишлоқ аҳолисининг вакилларида иборат эди. Шаҳардаги лицей ва университетларда ўқийдиган дехконларнинг фарзандлари одатда партияга аъзо бўлишар эди. Алеппода партиянинг тўртдан уч қисм аъзолари талабалар – дехконларнинг болалари бўлган.



Алавийларни БААС партиясининг мафкурасидаги иккита доктрина ўзига махлиё килган эди: социализм ва секуляризм. Социализм мамлакатнинг энг кашшок жамоаси учун иктисодий имкониятларни такдим килар эди. Секуляризм эса жамият доирасидан динни узоклаштиришга имкон берган, яъни анъанавий Ислом таъсирини камайтиришни таъминлаган. Алавийлар учун бундан ортик кулай комбинацияни ўйлаб топиш жуда мушкулдир. БААСнинг маълум ва машхур бўлган панарабизм гоёлари эмас, балки юкорида айтилган гоёлар алавийларни бу партия байроги остида бирлашувига ундаган.

Интернет маълумотлари асосида
Абу Муслим тайёрлади